

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАЮСУПОВ УМИД ҚУРБОНОВИЧ**

**БАШОРАТНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА  
УНИНГ ИЛМИЙ БИЛИШДАГИ ЎРНИ**

**09.00.01. – Онтология, гносеология ва мантик**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

**Мамаюсупов Умид Қурбанович**

Башоратнинг назарий-методологик асослари ва унинг

илмий билишдаги ўрни.....3

**Мамаюсупов Умид Қурбанович**

Теоретико-методологические основы предвидения и его

место в научном познании.....21

**Mamayusupov Umid Kurbanovich**

Theoretical and methodological bases of prevision and its role in the system of

scientific knowledge.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАЮСУПОВ УМИД ҚУРБОНОВИЧ**

**БАШОРАТНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА  
УНИНГ ИЛМИЙ БИЛИШДАГИ ЎРНИ**

**09.00.01. – Онтология, гносеология ва мантик**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal47 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Туленова Карима Жандаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тўйчиев Бердикул Тўрақулович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Давронов Зиёдулла Давронович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Р. Хўжамуродов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Ж.С. Рамагов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби в.б.  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

**Ж.С. Рамагов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, фалсафа фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги кунда бир қатор глобал муаммолар – экологик ҳалокатлар, иқтисодий инқирозлар, диний фундаментализм, экстремизм, терроризм, «оммавий маданият»нинг таъсирида содир бўлаётган маънавий бўҳронлар инсоният келажагига, халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда. Мазкур муаммоларнинг олдини олиш ва ҳал қилишда илмий билишнинг ўзига хос шакли бўлган башоратни илмий-фалсафий нуқтаи назардан янгитдан ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, фаннинг доимий, айниқса, ҳозирги кунда долзарб мавзуси бўлган илмий билиш ривожига башорат муаммосини тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида илмий билиш ва фан парадигмалари ривожига башоратнинг фалсафий-методологик имкониятларини ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш йўли билан ижтимоий тараққиётни амалга ошириш тенденцияларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Глобал ўзгаришлар ва уларнинг ўзига хос таъсирини аниқлаш масалаларига оид тадқиқотлар натижасида «келажак олами», «ижтимоий тараққиёт», «мегатенденция», «футурологик воқелик», «постиндустриал жамият», «ахборотлашган жамият» тушунчаларининг методологик асосларига оид бир қатор концептуал ғоялар таҳлил этилган. Шу билан бирга, ҳозирги даврда дунёда, айниқса, ривожланган мамлакатларда замонавий тарихнинг асосий тенденцияларини башоратлаш, шу асосда башоратнинг назарий-методологик асослари, унинг илмий билишдаги ўрни, келажакни илмий билишдаги имкониятлари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, барча соҳаларни ривожлантириш истиқболлари ва устувор вазибаларини олдиндан белгилаш ҳамда келажакни илмий ўрганишнинг кучли механизмлари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup> ишлаб чиқилди ва келажакда жамиятни тараққий эттиришнинг устувор вазибалари назарий жиҳатдан асослаб берилди. Дарҳақиқат, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон тажрибасига назар ташласак, бирон-бир жамият, давлат маълум бир олдиндан белгиланмаган мақсадларсиз юксак тараққиётга эриша олмайди. Ижтимоий тизимнинг ҳозирги ҳолатини билиш, унинг фақат ўтмишини эмас, балки келажagini билиш учун ҳам калит бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан, башоратнинг назарий-методологик асослари ва унинг илмий билишдаги ўрнини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ҳисобланади. Зеро, келажакни башорат қилиш, ўз навбатида, ҳозирги даврнинг мақсад ва вазифасини тўғри белгилаш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сонли қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий билиш ривожиди башоратнинг фалсафий-методологик ўрни ва имкониятларига бағишланган жаҳон фалсафий мероси ҳамда мамлакатимизни барқарор ва изчил ривожлантиришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу тадқиқот таянадиган фалсафий-тарихий илдизлар ва ижтимоий башорат ҳақидаги илмий-фалсафий қарашларни Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб Шарқ мутафаккирлари асарларида кўриш мумкин.

XX асрдаги илмий башоратга доир илмий таҳлилларнинг баъзилари Собиқ иттифоқ даврида амалга оширилган эди, Ўзбекистон мустақиллигидан кейин ҳам бу йўналишда жуда кам илмий изланишлар олиб борилгани маълум. Шунга қарамай, башоратнинг илмий тушунчасини очиб бериш борасида турли соҳаларда, жумладан, фалсафа, иқтисодиёт, тарих ва бошқа фанлар доирасида айрим изланишлар амалга оширилган. Бунинг натижасида турли мақолалар, монография, ўқув қўлланмалар эълон қилинган, номзодлик ва докторлик диссертациялари доирасида турли мавзуларда изланишлар олиб борилган. Мазкур муаммони ўрганиш Ўзбекистон олимларидан И.М.Муминов, О.Ф.Файзуллаев, Ж.Т.Туленов, Р.Н.Носиров, А.Ж.Шарипов, М.Н.Абдуллаева, З.Д.Давронов, Р.М.Имамалиева, Б.Т.Тўйчиев, И.С.Саифназаров, В.С.Никитченко, Э.М.Иззетова, Б.Р.Каримов, Б.О.Тўраев,

Н.А.Шермухаммедова, Ж.С.Раматов ва бошқалар муайян ҳисса қўшдилар. Башоратнинг муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш, илмий ечимини бериш борасида МДХ давлатларида ва Ўзбекистонда ҳам қатор номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Илмий башоратнинг назарий-методологик масалалари О.А.Тогусаков, К.Ж.Туленова, ижтимоий-социал масалаларини башоратлаш М.С.Кальней, Ю.Ш.Стрелец, тарихий-фалсафий таҳлили П.П.Пузанов, иқтисодиётдаги имкониятлари бўйича Л.С.Воробьева, Д.В.Ганженко, техник моделлаштиришдаги ўрни масаласи Ю.И.Юдин, башоратнинг синергетик жиҳатлари И.Пригожин, Е.Н.Князева, Д.М.Бозоров ва бошқа турли соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотчилар томонидан илмий башоратнинг турли жиҳатларда тадқиқ этилишини кўриш мумкин бўлади<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган илмий адабиётлар, ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларида тадқиқотимиз учун назарий ва методологик аҳамиятга эга бўлган ғоялар, фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Айни пайтда, мазкур масаланинг кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, юқоридаги илмий адабиётлар ва ҳимоя қилинган диссертацияларда илмий билишда башорат муаммоси мустақил мавзу сифатида ўрганилмаган. Уни ўрганишга бўлган зарурат эса, кундан-кун ошиб бормоқда. Мазкур муаммони ўрганиш ва кенгроқ фалсафий таҳлил қилиш мамлакатимиз олдида турган айрим муаммоларни олдиндан пайқаш, уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш, пировард мақсадда халқимиз ҳаёти, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, жамиятимиз тараққиётига кўплаб фойда келтириш имконини беради. Айнан шундай муҳим масалалар мазкур мавзунини тадқиқотнинг объекти сифатида танланиши учун асос бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ҳозирги замон жамияти ва фанининг фалсафий - методологик муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** илмий билиш ривожидида башоратнинг фалсафий-методологик ўрни ва имкониятларини замонавий концептуал қарашлар асосида тадқиқ ва таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Илмий башорат» тушунчасининг фалсафий мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш шакллари ўрганиш, унинг ўтмиш ҳамда ҳозирги замондаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

замонавий фан нуқтаи назаридан илмий башорат ҳақидаги қарашлар генезисини тадқиқ қилиш асосида бу борадаги мавжуд ғоялар, қарашлар, назариялар ва концепцияларнинг фалсафий аҳамиятини кўрсатиш;

инсоният тараққиётининг ҳозирги даврига хос ижтимоий башорат муаммосининг назарий-методологик асосларини илмий-фалсафий нуқтаи

---

<sup>2</sup> Қайд этилаётган муаллифлар асарларининг номи ва чоп этилганлигига оид маълумотлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

назардан ўрганиш;

илмий башоратнинг онтологик, гносеологик омиллар билан боғлиқ жиҳатларини рационал ва иррационал билимларнинг бу борадаги имкониятларини қиёсий ўрганиш асосида фалсафий таҳлил қилиш;

илмий башоратнинг назария ва амалиёт тараққиётидаги аҳамиятини ўрганиш натижаларига таянган ҳолда унинг бугунги кун илм-фани ривожигаги ўрнини кўрсатиш;

бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий башорат – Ўзбекистон истиқболини белгилаш ва мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш учун муҳим концептуал омил эканлигига доир илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** фалсафада илмий башорат муаммоси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**-илмий башорат муаммосининг гносеологик, назарий-методологик ҳамда онтологик жиҳатлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, тизимли ёндашув, диалектик, синергетик, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«башорат» тушунчасининг фалсафий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари тадқиқ этилиб, унинг ҳозирги замондаги (экстраполяция, тарихий аналогия, моделлаштириш, экспертиза усулида баҳолаш, келажак сценарийлари ижтимоий ҳодисаларни компьютер орқали намуналаштириш, эксперт баҳолаш) ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

«илмий башорат» ҳақидаги қарашлар генезисининг назарий-методологик асослари ўрганилиб, рационал (илмий, эмпирик ва инновацион технологиялар имкониятига асосланиш) ва нораціонал (ҳаётий тажрибага асосланган башоратлар, интуиция, телепатия, фолбинлик, диний мистик) башоратларнинг келажакни билишдаги имкониятлари замонавий фан нуқтаи назаридан, илмий-фалсафий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинган;

ночизикли ижтимоий тараққиётни илмий башорат қилишда синергетик ёндашувнинг ўз-ўзини ташкил этиш хусусиятлари очиб берилган;

илмий башорат – Ўзбекистон истиқболини (барча соҳалар жорий йиллик халқаро рейтинг ва индекслар натижаларини мунтазам таҳлил қилиш асосида) белгилаш ва халқимизнинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишнинг муҳим концептуал омили эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илмий башорат, унинг ўзига хос жиҳатлари, билимлар ривожигаги ўрни ва унинг илмий билишдаги аҳамияти, тарихий зарурати асослаб берилди;

эмпирик ва назарий билимлар тараққиётида келажакни башорат қилишнинг рационал ва иррационал жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди ҳамда улар асосида вужудга келган хулосалардан келажакни илмий билишга доир таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин;

глобаллашув жараёнида Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий тараққиёти

ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда илмий башорат имкониятларидан кенг фойдаланиш механизмлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда ўз аксини топган хулосалар илмий билишда башоратнинг тутган ўрнини чуқур англаб етишга хизмат қилиши билан белгиланади. Бу масалани тадқиқ этиш фалсафа ва фандаги илмий изланиш ҳамда инновацион тадқиқотларда башоратнинг тутган ўрнини тўғри баҳолашга, унинг истиқболли имкониятларини ёш олимлар янада чуқур билишлари учун шароит яратади. Айни пайтда, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда қўлга киритилган билимлар асосида жамият келажагига доир илмий башорат ишларини амалга оширишда, фан ва таълим жараёнида, илмий билишда башорат муаммосига доир илмий анжуманлар ўтказишда, илмий билиш мавзусидаги турли хил тадбирларни ташкил қилишда ва олий ўқув юртларида фалсафа, илмий ижод методологияси, фалсафа ва фан методологияси каби фанларнинг онтология, гносеология, методология билан боғлиқ мавзуларни янада чуқурроқ ўрганиш ва уларнинг дастурларини яратишда амалий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Башоратнинг назарий методологик асослари ва унинг илмий билишдаги ўрни юзасидан ишлаб чиқилган илмий-фалсафий таклифлар асосида:

«илмий башорат» тушунчасининг фалсафий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари, унинг ҳозирги замондаги ўзига хос хусусиятлари таҳлиliga оид хулосаларидан 2016 йилда чоп этилган «Ижтимоий фалсафа» номли ўқув қўлланмасининг «Жамият яхлит тизим сифатида», «Жамиятнинг маънавий ҳаёти», «Фуқаролик жамияти», «Ижтимоий билиш, жамиятни илмий билиш ва бошқариш» деб номланган мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 майдаги 89-03-2057-сон маълумотномаси). Илгари сурилган илмий хулосалар ўқув қўлланмани назарий-методологик асослар билан бойитишга хизмат қилган;

«илмий башорат» ҳақидаги қарашлар генезисининг замонавий фан нуқтаи назаридан ютуқ ва камчиликлари, назарий-методологик асосларига оид хулосалардан «Экологик ҳаракат»нинг 2017 йилга мўлжалланган ҳаракат дастурида «Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим

ва тарбия тизимини ривожлантириш» деб номланган IV бобининг 81,85,88-бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилган, рационал ва иррационал башорат шакллари қиёсий ўрганилиши ҳамда ночизиқли ижтимоий жараёнларни илмий башорат қилишда синергетик ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларига оид хулосалар ва таклифлардан Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг илмий-амалий тадбирларини ташкил этишда, шунингдек, услубий тавсиялар, дастурлар, қўлланмалар яратишда фойдаланилган («Экологик ҳаракат»нинг 2017 йил 21 декабрдаги 12/509 сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклифларнинг амалиётда қўлланилиши ёшларда экологик онгни янада ривожлантиришга оид ишлар самарадорлигига эришиш имконини берган;

илмий башорат – Ўзбекистон истиқболини (барча соҳалар жорий йиллик халқаро рейтинг ва индекслар натижаларини мунтазам таҳлил қилиш асосида) белгилаш ва халқимизнинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишнинг муҳим концептуал омили эканлигига оид хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017-2018 йиллардаги чора-тадбирлар дастурининг «Илмий-назарий, методик ёрдам кўрсатиш ва илмий тадқиқотлар» номли 1-бобининг 16-банди ҳамда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва жамият қурилиш ҳамда жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга доир илмий-амалий тадбирлар ташкил этиш, услубий тавсиялар, дастурлар ҳамда қўлланмалар яратиш» банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2017 йил 20 октябрдаги 02/03-958-сон маълумотномаси). Илмий таклифларнинг амалиётда жорий этилиши халқимиз айниқса, ёш авлод «оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари жамият келажагига қанчалар салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини теран англашига, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари фаоллашувига, дахлдорлик туйғуларининг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатган;

илмий башорат ҳақидаги синергетик ёндашувнинг ўз-ўзини ташкил этиш хусусияти ва назарий-методологик асосларига оид хулосалардан “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳада, шунингдек, “Умумий ўрта таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педогогик фаолиятни ривожлантириш технологияси” номли монографияда фойдаланилган. Илгари сурилган илмий хулосалар узлуксиз таълим тизимида педагогик фаолият истиқболини кенг таҳлил қилишга ҳамда монографияни назарий-методологик асослар билан бойитишга хизмат қилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 мартдаги 89-03-1085-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот

натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (10 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, предмети, объекти, илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари, унинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишлари билан узвий алоқадорлиги, илмий янгилиги, фан ва амалиёт учун аҳамияти асосланган; илмий изланишлар натижалари бўйича нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Башорат тушунчаси ҳақидаги қарашлар генезиси ва уни ўрганишнинг фалсафий масалалари**»га бағишланган. Унда «башорат», «илмий башорат» тушунчаларининг мазмун-моҳияти, тарихий–фалсафий илдизлари, ҳозирги замон фани ва фалсафаси ривожда мазкур муаммонинг тутган ўрни илмий–назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Маълумки, моддий олам унинг таркибий қисми бўлмиш табиат, жамият мураккаб ҳодиса ва жараёнларни ўзида ифодалайди. Айни пайтда улар яхлит тизим сифатида уни ташкил этувчи қисмларнинг функциялари, ўзаро таъсири ва бир-бирини тақозо этиш натижаси сифатида мавжуд бўлади. Башорат тушунчасида олам, ана шу тизимнинг қисмлари истиқболни олдиндан билишга йўналтирилган рационал ва иррационал муносабатлар ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам келажак ҳақидаги билимларни кўлга киритиш қатор онтологик масалаларни ҳал қилишни талаб қилади. Бунда башорат келажак тажриба объектлари ҳақидаги билим сифатида, айни вақтда фаолиятнинг муайян шакли – илмий билиш сифатида намоён бўлади.

Бошорат ўз моҳиятига кўра, чин билим объекти, ҳақиқатнинг мавжудлик шакли. Шунинг баробарида башорат илмий муаммони ҳал этиш йўлини аниқлаш имконини беради. Башорат билимнинг бошқа тизимлари билан биргаликда, илмий билиш фаолиятини амалга ошириш омили ҳам ҳисобланади. Диссертацияда башоратнинг шакл ва кўринишлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари батафсил таҳлил қилинган.

Тадқиқотда башоратнинг шаклланиш механизмлари тадқиқ қилиниб, башоратнинг шаклланишида «ўтмиш – ҳозир – келажак»дан иборат вақт

тизимида ўтган аждодлар томонидан қўлга киритилган илмий билимларга ижодий–танқидий муносабат асосида уларни ўрганиш, ўзлаштириш башорат шаклланишининг муҳим омили эканлиги асосланган. Ўтмишни англаш, келажакни олдиндан кўриш «башорат» учун замин ҳозирлайди, деган хулосага келинган.

Фан ва фалсафа тарихида етук олимларнинг келажак тўғрисидаги қарашлари, ғоялари асосида шаклланган футурологик концепцияларда “ўтмиш – ҳозир – келажак”ни қонуниятли жараён сифатида англаш ўз ифодасини топган. Ушбу концепцияларда башорат табиий, илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрлар асосида қадимдан бошлаб шаклланган билимнинг ўзига хос кўриниши эканлиги ҳақида фикр юритилган.

Тадқиқотда башорат муаммосини таҳлил қилишда икки хил ёндашув мавжудлигига эътибор қаратилган. Биринчидан, замонавий фан нуқтаиназаридан илмий башорат ҳақидаги қарашлар генезисини тадқиқ қилиш асосида бу борадаги мавжуд ғоялар, қарашлар, назариялар ва концепциялар фалсафий, қиёсий ўрганилган. Иккинчидан, илмий башоратнинг онтологик ва гносеологик омиллар билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилиниб жамият тараққиётидаги амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Шунингдек, башорат муаммосининг конкрет илмий ва фалсафий таҳлилининг ўзига хос жиҳатлари фанда қўлга киритилган қонунлар, кашфиётлар мисолида асосланган.

Башоратнинг илмий билим шакли сифатидаги ўзига хос ўрни инсон ҳаёти, истиқболини ўзида акс эттирадиган билим шакли эканлиги, айти вақтда у нафақат инсон, жамият тараққиёти истиқболини аниқлашда, балки, умуман олам – табиат, жамият келажакига доир қонуниятларнинг шаклланишида ўз ифодасини топмоқда. Башоратнинг илмий билимлар ривожига беқиёс ўрни бу муаммога олимлар ҳамжамиятининг эътиборини қаратишни тақозо этмоқда. Диссертацияда махсус илмий-тадқиқот муассасаларининг шаклланиши ва олимларнинг бу борадаги фаолияти ўрганилиб, таҳлил жараёнида «келажакни англаш» тобора кўпроқ умумбашарий моҳият касб этаётганлиги, башоратнинг бу мураккаб кўриниши глобал моделлаштиришда ўз ифодасини топаётгани ҳақида фикр юритилган.

Диссертацияда башорат илмий билишнинг ўзига хос, айти вақтда, мураккаб шакли эканлиги асосланган ва бунда кузатиладиган икки ҳолатга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчидан, башорат илмий билишнинг мавжудлик шакли эканлиги, унда муаммолилик, ишончсизлик ифодаланиши ва бу ҳолат муаммонинг муайян қутилмаган ечими билим – башорат тарзида намоён бўлиши; иккинчидан, башорат аввалда илгари сурилган фараз ва тахминларни тушунтириб берувчи омил сифатида қонун, тамойил, назарияни кашф этишнинг ўзига хос йўли эканлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Илмий башорат муаммосининг назарий–методологик асослари ва унинг шаклланиш механизмлари**» деб номланган иккинчи бобида ижод илмий башоратни шакллантирувчи ва

ривожлантирувчи омил эканлиги, илмий башоратнинг шаклланишида муаммо ва қонунларнинг ўрни, аҳамияти, назарий ва эмпирик билимлар шунингдек, рационал ва иррационал билимларнинг бу жараёндаги имкониятлари фалсафий ва қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертацияда илмий башорат фан учун ҳозирча номаълум ҳисобланган, имконият даражасидагина мавжуд бўлган бирон-бир ҳодисанинг келажакда руй бериши, ҳолати, ривожланиш қонуниятлари ва оқибатларини муайян илмий далиллар, хулосалар, маълумотлар асосида шаклланадиган илмий ижодий фаолият ҳосиласи эканлиги асосланган. Илмий ижоднинг моҳияти, намоён бўлиш шакллари ҳақида фикр юритилган. Унинг асосида кутилмаган ва аввалда кузатилмаган ҳодисалар ҳақидаги манбалар ҳамда ахборотларнинг қўлга киритилиши олдиндан кўришнинг ўзига хос ифодаси эканлиги, у башорат учун асос бўлиши таъкидланган.

Ижод - мураккаб жараён бўлиб, ақлий (рационал) ва ноақлий (иррационал) кечинмаларни ўз ичига олади. Шунингдек, ижод – инсоннинг моддий ва маънавий қадриятларни яратишга қаратилган фаолияти, бўлажак нарса, ҳодиса, жараёнларни олдиндан кўра олиш, тушуниш, тушунтиришдан иборат рухий жараён ҳисобланади. Илмий ижод табиат, жамият ҳаёти ва инсон тафаккурида кечадиган бизга номаълум жараёнларни билишга қаратилган янги билимлиги билан тавсифланади.

Диссертацияда илмий ижодга доир фалсафий қарашлар таҳлили, илмий ижодий фаолиятнинг намоён бўлиш шакллари, хусусан даҳо(гений)лик ҳақида фикр юритилган. Даҳолик истеъдод ва меҳнатнинг уйғунлиги эканлиги асосланган.

Тадқиқотда башоратнинг шаклланиши механизмлари масаласи қўйилган. Илмий муаммо башоратлаш жараёнининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Муаммо билиш шакли бўлиб, у илмий тадқиқотни ташкиллаштиришда йўналишни аниқлашга ёрдам беради, яъни номаълум бир нарсага ишора қилиб, уни аниқлашга чорлайди.

Муаммодаги мақсадга йўналтирилганлик талаблари илмий билим ривожини таъминлайди. Айнан муаммо номаълумликка ишора этилиб, уни мақсадга йўналтириш функциясини бажаради. Муаммога илмий башорат нуқтаи назардан баҳо бериш жараёни уни ҳал қилиш учун зарур бўлган барча ечимларни топишни тақозо этади. Ушбу ечимлар қаторига муаммо ва фан имкониятларидан келиб чиққани ҳолда тадқиқот методлари, ахборот манбаи, муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган ташкилий ечимларни аниқлаш киради.

Объектив оламнинг моҳиятини билишга интилиш инсондаги муайян билим, тажриба ва олдиндан кўра олиш қобилиятини шакллантиради. Фан тарихида илмий муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши воқелик қонунларининг кашф этилишига олиб келди. Табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонуни маълум бир шарт-шароитларда намоён бўлар экан, у илмий билиш жараёнида ва амалий фаолиятда муҳим, зарурий, умумий ва нисбий барқарор алоқадорликлар маълум бир натижаларга олиб келиши

мумкинлигини яхши билишга имкон туғдиради<sup>3</sup>. Инсон ақли билан тасаввур қилишнинг бундай кўриниши илмий башорат бўлиб, бу орқали воқеликнинг кўз илғамас, ички томони очилади.

Илмий билиш жараёнида одамларнинг илмий назариялар билан қуролланганлиги уларга илмий олдиндан кўриш – илмий башорат қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, янги қонуният ва янги назарияларнинг шаклланишига йўл очади.

Айнан назария илмий далиллар тизимини тартибга солади, уларни ўз таркибига киритади, ўзини ташкил этувчи қонунлар ва тамойиллардан оқибатлар сифатида янги далилларни яратади. Шунинг учун ҳам пухта ишлаб чиқилган назария фанга маълум бўлмаган келажак ҳақидаги ҳодисалар ва хоссаларни башорат қилиш имкониятини вужудга келтиради. Эмпирик билимлар маълум бир тажрибавий (экспериментал) тадқиқотларга асосланади. Шу орқали номаълум келажакни ёрқинроқ ифодалайди. Шундай қилиб, эмпирик ва назарий билим яхлит ҳодиса – илмий билим икки томонининг узвий бирлиги ҳисобланади.

Келажакни билиш муаммоси бир қатор фундаментал фанларнинг тадқиқот предметиدير, улар ўз нуқтаи назаридан, ўз услуб ва воситаларидан келиб чиқиб муаммони таҳлил қиладилар. Фалсафа фанида гносеологик тадқиқот орқали келажакни билиш муаммосининг онтологик ва методологик муаммоларига, қонуниятларига кўпроқ эътибор берилади. Фалсафада келажакни билишнинг рационал жиҳатига асосий эътибор қаратилади. Бироқ, маълумки, тарихан келажакни билишда рационал башоратлар билан бирга нораціонал ва иррационал башоратлар ҳам муҳим ўрин тутади. Уларнинг келажакни билишдаги диалектик имкониятларини объектив, қиёсий таҳлил қилиш талаб этилади. Биз тадқиқотимизда ана шу масалаларнинг гносеологик таҳлилига эътибор қаратдик.

Башоратнинг нораціонал шакллари: ҳаётий тажрибага асосланган башоратлар, интуиция, телепатия, спантал эшитиш ва фолбинлик асосидаги башоратлар кирса, иррационал асосда келажакни билишга диний, мистик шаклдаги башоратлар киради. Уларнинг ҳеч бири илмий асосга таянмайди.

Инсон фаолиятида ақлга мувофиқлик хилма-хил эҳтиёжларни аниқлашда, ижтимоий ва индивидуал фаолиятни режалаштиришда, воқеликни тушуниш ва келажакни башорат этишда катта роль ўйнайди. Рационализм табиат ва жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан инсоннинг онгли, ақлий мушоҳада юритиши деб тушунилади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Илмий башоратнинг фан тараққиёти ҳамда жамият ривожидagi самарасини ошириш йўллари ва имкониятлари»** деб номланган. Унда илмий башорат фаннинг вазифаси ва тараққиёт омили эканлиги, унинг шаклланишида синергетик усулнинг тутган ўрни, глобаллашув шароитида ижтимоий башоратнинг ривожланиш йўналишлари, уларнинг Ўзбекистон истиқболи учун аҳамиятли муаммоларига эътибор қаратилган.

---

<sup>3</sup>Туленов Ж.Т. Диалектика назарияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001-. 107-бет.

Илмий башорат узоқ йиллик илмий кузатиш, тажриба асосига қурилган тахмин (фараз)ларга асосланган ҳолда шаклланиши мумкинлигини эътироф этган ҳолда, башорат ҳар доим ҳам фараз, тахминлар асосига қурилмаслиги, илмий ечимга эга бўлмаган нарса ва ҳодисаларга ўзига хос муносабат – ўзгача таҳлил, тушуниш ва тушунтириш имконияти ҳам мавжудлиги асосланган. Шунингдек, башоратнинг шаклланишида билимнинг бошқа шакллари, мифология, диний билимларнинг ҳам ўрни борлиги ҳақида фикр юритилган.

Илмий башорат инсоннинг билим чегаралари янада кенгайишига, янги босқичга кўтарилишига, фан тараққиётига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, фан доирасида янгидан-янги муаммоларнинг қўйилишига олиб келади.

Давр кун тартибига қўяётган қатор жиддий муаммолар ечимини топиш зарурати илмий башоратнинг шаклланиш омили эканлиги аввалда кузатилмаган табиий ва ижтимоий жараёнлар моҳияти, йўналишларини англаш ҳозирги замон фалсафаси ва фани эътиборини жалб қилаётган жаҳон миқёсида юз бераётган турли кескин жараён (бўҳрон)лар таҳлили асосида ёритилган. Башорат қилиш олимдан табиат ва жамиятда кечаётган жараёнлар моҳияти, ва йўналишларини англашни талаб этади. Бу олимлар жамоасидан турли йўналиш (ижтимоий-иқтисодий, демографик...) ларда ишлаб чиқиладиган «глобал илмий башоратлар», «глобал моделлаштириш»да ўз ифодасини топомқда.

Инсон, инсониятнинг келажагини ўрганиш азалдан фан ва фалсафанинг вазифаси бўлиб келгани бежиз эмас. Инсон фан асосида доимо оламда юз бераётган ҳодисалар моҳиятини англашга, улар йўналишини таҳлил қилишга интилади. Бу унинг илмий-инсоний фаолиятида, қўлга киритган илмий билимлар, кашфиётларида ўз ифодасини топади.

Сўнгги йилларда жаҳоннинг айрим минтақалари табиатида кутилмаган тасодифий ҳолатлар, ижтимоий тараққиётида ночизикли, беқарор жараёнларнинг кескин тус олаётганлиги табиий ва ижтимоий жараёнлар келажагини синергетик жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб эканлигини аниқлатмоқда. Г.Хакен синергетиканинг гносеологик имкониятлари ҳақида тўхталиб, “Синергетика ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим компонентларини мужассамлаштирар экан, у нафақат ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнлари асосида ётувчи умумий қонуниятлар ва принципларни билиш, турли муаммони ҳал қилиш йўллари аниқлаш имконини беради. Шунингдек, синергетикага учинчи минг йиллик фани”<sup>4</sup> сифатида қараш керак деб таъкидлайди.

Б.О.Тўраев бошчилигидаги муаллифлар жамоаси «Синергетика» китобида синергетиканинг методологик имкониятларини таҳлил қилиб, “Синергетика мураккабликдаги соддаликни, соддаликнинг мураккаблигини аниқловчи фандир, дейишимиз мумкин. Мураккабликдаги соддаликни,

---

<sup>4</sup> Хакен Г. Информация и самоорганизация: микроскопический подход к сложным системам. – М.: “Ком Книга”, 2005. – С.249

хаосдаги тартибни, тасодифдаги заруриятни, ўтмишдаги келажакни аниқлаш синергетиканинг асосий вазифаларидан эканлиги кўрсатилган”<sup>5</sup>.

Фикримизча, синергетикани замонавий фан муаммоларига янги ёндашувни киритаётган парадигма сифатида кўришимиз зарур. Зеро, синергетика нафақат махсус фанларда юзага чиққан, балки табиий ва ижтимоий жараёнлардаги муаммоларни ҳам янгидан кўриб чиқиш заруриятини кўндаланг қўяётган илмий билиш методи ҳисобланади. Синергетика туфайли дунё ҳақидаги тасаввурларга янги ғоялар кириб келди, жумладан, “хаос”, яъни “ялпи тартибсизлик” тушунчаси фақат салбий маънода ишлатилади.

Синергетика эса, хаос маълум бир шароитда тузувчан (конструктив) кучга айланиб, тартибга келтириш воситаси бўла олиши мумкинлигини исботлайди. Синергетика тараққиёт бир чизикли эмаслигини, балки чизиксиз ва кўп андозали, яъни кўп модели эканлигини англатади. Жамият тараққиётига ҳам кўп чизиклилик хос бўлиб, биз танлаган тадрижий-эволюцион тараққиёт кўп имкониятлилигини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, синергетика борлиқдаги яхлитликни ташкил қилиш принципларини тушунтириш билан биргалликда, мураккаб ижтимоий тараққиётни бошқариш усуллари ишлаб чиқиш, жамиятнинг турли соҳаларини бир мақсад негизида бирлаштиришни ташкил қилиш ва дунё ҳамкорлигини вужудга келтиришда тўғри ёндашишнинг илмий-фалсафий асосини яратиб беради.

Юқорида келтирилган далилларга асосланиб, диссертацияда, табиий ва ижтимоий жараёнлар келажакни илмий башорат қилишда турли инновацион технология ва ғояларга эга соҳа олимлари ҳамкорлиги билан чекланмасдан, турли мамлакатлар ҳамкорлигини ҳам янада ривожлантириш муҳимлиги асосланган.

Тадқиқотда илмий башоратнинг глобаллашув жараёнлари тобора кескин тус олаётган ҳозирги шароитдаги асосий йўналишлари, уларнинг Ер юзидаги барча мамлакатлар учун умумий қонуният эканлиги, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини инобатга олишнинг инсоният келажакни англашдаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Илмий башоратнинг Ўзбекистон истиқболини англаш ва тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишдаги аҳамияти масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мустақиллик туфайли ўз тарихий тараққиётининг тамомила янги сифат босқичига қадам қўйган Ўзбекистон учун келажакни – юртимизнинг ривожланиш истиқболларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этади. Бу мамлакатнинг муайян даврга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ижтимоий тараққиётнинг Ўзбекистонга хос ва мос йўли-«Ўзбек модели»нинг асосчиси ҳисобланади. У ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққий йўли» асарида мустақилликни қўлга киритишдан мақсад – халқимиз учун

<sup>5</sup> Тураев. Б.О ва бошқалар. Синергетика. - Т.: “Наврўз”, 2017.- 8-бет.

